

Мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилмоқда

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 02.08.2023 йил кунги суд буйруғига асосан Фурқат тумани Ингичка маҳалласи Янги ҳаёт кўчаси 53-сонли турар жойни қурилиш-техникавий экспертизасининг 2023 йил 27 июндаги хулосасида кўрсатилган "S1" томонини даъвогар И.М.Кимсанов эгалигига натура шаклида ажратиб бериш, "S2" улуш қисмини жавобгар Н.А.Маматова эгалигида қолдириш кўрсатилган.

Мажбурий ижро бюроси Фурқат туман бўлими томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ижро иши қўзғатилиб, 10.11.2023 йил куни туман архитектура ва кадастр бўлими мутахассисларини жалб қилган ҳолда қарздор Н.А.Маматовага суд буйруғида кўрсатилган ҳовли жойнинг "S2" қисми қолдирилиб "S1" қисми даъвогар И.М.Кимсановга ажратиб берилиши таъминланди.

Шунингдек суд буйруғига асосан даъвогар И.М.Кимсановдан Н.Маматовага " S1" улуш қисмидан ортиқ бўлган 23 428 480 сўм пул маблағларини ундириб берилиши ҳам таъминланган.



2023-12-14 15:17:36